

ISSN:2181-0427 ISSN:2181-1458

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ИЛМИЙ АХБОРОТНОМАСИ**

**НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК НАМАНГАНСКОГО
ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА**



2021 йил 8-сон



Бош муҳаррир: Наманган давлат университети ректори С.Т.Тургунов

Масъул муҳаррир: Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор М.Р.Қодирхонов

Масъул муҳаррир ўринбосари: Илмий тадқиқот ва илмий педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими бошлиғи Р.Жалалов

ТАҲРИРҲАЙЪАТИ

Физика-математика фанлари: акад. С.Зайнобиддинов, акад. А.Аъзамов, ф-м.ф.д., доц. М.Тўхтасинов, ф-м.ф.д., проф. Б.Саматов, ф-м.ф.д., доц. Р.Хакимов, ф-м.ф.д. М.Рахматуллаев.

Кимё фанлари: акад.С.Рашидова, акад. А.Тўраев, акад. С.Нигматов, к.ф.д., проф.Ш.Абдуллаев, к.ф.д., проф. Т.Азизов.

Биология фанлари: акад. К.Тожибаев, акад. Р.Собиров, б.ф.д. доц.А.Баташов, б.ф.н.

Техника фанлари: - т.ф.д., проф. А.Умаров, т.ф.д., проф. С.Юнусов.

Қишлоқ хўжалиги фанлари: – г.ф.д., доц. Б.Камалов, қ-х.ф.н., доц. А.Қазақов.

Тарих фанлари: – акад. А.Асқаров, с.ф.д., проф. Т.Файзуллаев, тар.ф.д, проф. А.Расулов, тар.ф.д., проф. У.Абдуллаев.

Иқтисодиёт фанлари: – и.ф.д., проф.Н.Махмудов, и.ф.д., проф.О.Одилов.

Фалсафа фанлари: – акад., Ж.Бозорбоев, ф.ф.д., проф. М.Исмоилов, ф.ф.н., О.Маматов, PhD Р.Замилова.

Филология фанлари: – акад. Н.Каримов, фил.ф.д., проф.С.Аширбоев, фил.ф.д., проф. Н.Улуқов, фил.ф.д., проф. Ҳ.Усманова. фил.ф.д.,проф. Б.Тухлиев, фил.ф.н, доц.М. Сулаймонов.

География фанлари: - г.ф.д., доц. Б.Камалов, г.ф.д., проф.А.Нигматов.

Педагогика фанлари: - п.ф.д., проф. У.Иноятгов, п.ф.д., проф. Б.Ходжаев, п.ф.д., п.ф.д., проф. Н.Эркабоева, п.ф.д., проф.Ш.Хонкелдиев, PhD П.Лутфуллаев.

Тиббиёт фанлари: – б.ф.д. Ғ.Абдуллаев, тиб.ф.н., доц. С.Болтабоев.

Психология фанлари – п.ф.д.,проф З.Нишанова, п.ф.н., доц. М.Махсудова

Техник муҳаррирлар: **Н.Юсупов, Г.Акмалжонова**

Таҳририят манзили: Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 316-уй.

Тел: (0369)227-01-44, 227-06-12 **Факс:** (0369)227-07-61 **e-mail:** ilmiy@inbox.uz

Ушбу журнал 2019 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси Раёсати қарори билан физика-математика, кимё, биология, фалсафа, филология ва педагогика фанлари бўйича Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

“НамДУ илмий ахборотномаси–Научный вестник НамГУ” журнали Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг 17.05.2016 йилдаги 08-0075 рақамли гувоҳномаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (АОКА) томонидан 2020 йил 29 август куни 1106-сонли гувоҳнома га биноан чоп этилади. “НамДУ Илмий Ахборотномаси” электрон нашр сифатида ҳалқаро стандарт туркум рақами (ISSN-2181-1458)га эга НамДУ Илмий-техникавий Кенгашининг 10.08.2021 йилдаги кенгайтирилган йиғилишида муҳокама қилиниб, илмий тўплам сифатида чоп этишга рухсат этилган (**Баённома № 8**). Мақолаларнинг илмий савияси ва келтирилган маълумотлар учун муаллифлар жавобгар ҳисобланади.

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ-2021



АЗИЗИДДИН НАСАФИЙНИНГ ТАСАВВУФИЙ - ФАЛСАФИЙ ТАЪЛИМОТИ

Нарзиев Зубайдилло

БухДУ “Ислом тарихи ва манбашунослиги,
фалсафа” кафедраси катта ўқитувчиси

алсафаси ривожига беқийёс ҳисса қўшган буюк ватандошимиз, мутасаввиф, файласуф, аллома Азизиддин Насафийнинг тасаввуфий-фалсафий таълимотига оид фикрлар таҳлил қилинган. Шунингдек мақолада мутасаввифнинг инсон фалсафа, билиш фалсафаси, борлиқ фалсафаси, ахлоқ фалсафасига оид фикрларига ўрин берилган.

Калит сўзлар. *Азизиддин Насафий, Зубдат ул ҳақойиқ, диний- фалсафий концепция, тана ва руҳ, эманация, фалсафий антропология, борлиқ фалсафаси, адолат, ахлоқ*

ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ВОСПИТАНИЯ СОВЕРШЕННОГО ЧЕЛОВЕКА ВО ВЗГЛЯДАХ АЗИЗУДДИНА НАСАФИ

Нарзиев Зубайдилло

Бухарский государственный университет «История и сточниковедение ислама,
философия» старший преподаватель кафедры

Резюме. *В данной статье проанализированы размышления о философском учении тасаввуф нашего великого соотечественника, философа, мыслителя и представителя учения тасаввуф Азизуддина Насафи. Также в статье некоторые размышления мыслителя о философии познания, человека, нравственности и бытия.*

Ключевые слова. *Азизуддин Насафи, “Зубдат ул-хакаик”, религиозно-философская концепция, тело и дух, эманация, философская антропология, философия бытия, справедливость, нравственность.*

THEORETICAL BASIS OF EDUCATION OF A PERFECT HUMAN IN THE VIEWS OF AZIZUDDIN NASAFI

Narziev Zubaydillo

Bukhara State University "History and Islamic Studies,
senior lecturer of the department "Philosophy"

Summary. *This article analyzes the views of the great fellower, the Sufist, philosopher, scientist Aziziddin Nasafi's Sufistic-philosophical doctrine, which made a great contribution to the development of Middle Eastern Sufi philosophy. The article also mentions the philosophy of human philosophy, philosophy of knowledge, philosophy of existence, philosophy of ethics.*

Key words. *Aziziddin Nasafi, Zubdat u hakayiq, religious-philosophical concept, body and soul, emmanagement, philosophical anthropology, philosophy of existence, justice, morality*

Бизга маълумки, инсоният яратилганидан буён ўзининг тарихий-фалсафий меросидан фойдаланиш масаласи ҳар бир давр учун бирдек муҳим бўлиб келган. Шу маънода, бугунги шиддат билан ўзгариб бораётган глобаллашув асрида ҳам мамлакатимизда истиқомат қилаётган ҳар бир фуқаронинг маънавий даражаси ва унинг келажакдаги ўрни масаласи аввалгидан ҳам янада долзарброқ бўлиб бормоқда. Шундай



экан, мазкур муаммонинг илмий асосдаги ечимини топиш масаласи нафақат замонавий тарбияни бериш, балки ўтмиш меросимизни ҳам бирдай амалий ҳаётга тадбиқ этишни талаб қилади. Бунда асосан инсонни, хусусан келажак авлодни баркамол қилиб тарбиялашда асрлар оша тажрибадан ўтиб, сайқал топган мутасаввиф алломаларимизнинг қолдирган бебаҳо таълимотлари муҳим ўрин тутати. Биринчи Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, “Биз бу мутафаккирларимизнинг қутлуғ меросидан бутун халқимиз, жумладан, ёшларимизнинг ҳам баҳраманд бўлишига, уларнинг мана шундай маънавий муҳитда камол топишига, ислом динининг инсонпарварлик фалсафаси, буюк ғоялари ёш авлод юрагидан ҳам жой олишига шароит яратмоқдамиз. Бошқача айтганда, биз фарзандларимизни дунёвий билимлар билан бир қаторда Имом Бухорий тўплаган ҳадислар, Нақшбандий таълимоти, Термизий ўғитлари, Яссавий ҳикматлари асосида тарбия қилмоқдамиз”. [3:357]

XIII аср Шарқ халқлари маънавияти ва тафаккури тарихида алоҳида ўрин эгаллаган ва бу даврга келиб, калом илми, фалсафа ва тасаввуф ривожланди. Натижада ҳар учала соҳани бирлаштирган ажойиб олимлар ва мутафаккир адиблар етишиб чиқиб, Шарқ халқлари маънавияти, маданияти, тасаввуфий-фалсафий дунёқарашининг шаклланиши ва ривожланишига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшганлар. Шундай мутафаккирлардан бири буюк ватандошимиз Азизиддин Насафийдир. Дарҳақиқат, ўтмиш алломаларимизнинг асарларини, таълимотларини ўрганиш ва уларни замонавий методлар асосида тадқиқ ва таҳлил этиш қанчалик шарафли иш ҳисобланса, унинг масъулияти ҳам шунчалик залворлидир. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, буюк мутасаввифларимиздан бири Насафлик аллома, табиб, мутасаввиф Азизиддин Насафийнинг тасаввуфий таълимотини илмий-фалсафий тадқиқ ва таҳлил қилишни тақозо этади. Азизиддин Насафий (1240-1300) ўз даврининг машҳур мутасаввифи, файласуфи ва алломаси сифатида, “Манозил ас-сойирин” (Сайр этувчилар манзиллари), “Усул ва фуруъ” (Илдизлар ва бутуқлар), “Мабдаъ ва маъод” (Чиқиш ва қайтиш), “Мифтоҳ ул-асрор” (Сирлар калити), “Зубдат ул-ҳақойиқ” (Ҳақиқатлар қаймоғи), “Баён ут-танзил” (Нузул баёни), “Кашф ул ҳақойиқ” (Ҳақиқатларнинг очилиши), “Нафси инсоний”, “Инсони комил”, “Ваҳдати вужуд” ва бошқа асарларида ўзининг тасаввуфий-фалсафий қарашларини баён этган.

Азизиддин Насафийнинг тасаввуфий - фалсафий таълимоти ўзига хослиги, унинг тарихий-фалсафий ва тарихий-диний ёндашувлар объективлигидан иборат бўлган ҳолда, ўрта асрлар мафкурасига хос бўлган бир томонлама ёндашувдан иборат эмаслиги кўзга ташланади. Азизиддин Насафий тақдим этган фикрлаш доираси ва тарихий-фалсафий таҳлил методологияси замонавий фалсафа тарихини ўрганмоқчи бўлганлар учун ўзига хос намуна бўла олади. Азизиддин Насафий таълимотининг бошқа ўзига хос қирраларидан бири шундаки, бизнинг давримиз учун долзарб бўлган – ислом маданияти ичида мавжуд бўлган турли хил ғоявий оқимларга нисбатан унинг толерант яъни бағрикенг муносабатда бўлганлигидир. Мутасаввифнинг бизгача етиб келган меъроси, унинг давридаги фалсафий фикрнинг барча қирраларини қамраб олган. Азизиддин Насафий асарларини форс тилида ёзган бўлиб, уларда, инсон фалсафаси, борлик, билиш, ахлоқ, жамият, олам ва одам бирлиги масаласи, ирфон ва фалсафа, комил инсон ва бошқа фалсафий масалалар таҳлил қилинган. Азизиддин Насафий дунёқарашининг марказида асосан антропологик муаммолар турган. Инсоннинг яратилиши, бу дунёга келишидан мақсади, ўз-ўзини англаши, кичик олам ва улуғ олам, тана ва руҳнинг ўзаро



муносабати, инсонни камолотга элтувчи йўллар ва бошқа масалалар мутасаввифнинг диққат марказида турган. Инсон жисми ва руҳида бўладиган ўзгаришларнинг манбаи нима? Инсон жисми ва руҳи нимадан пайдо бўлган? - деган саволларга жавоб бериб, мутасаввиф оламнинг асосини ташкил этган модда: тупроқ, сув, ҳаво ва оловдан иборат деб эътироф этган. Ушбу тўрт унсурнинг ҳар бири алоҳида шаклга (суратга) ва маънога эга. Ана шу тўрт унсурнинг бирикишидан инсон жисми ва унинг турли аъзолари вужудга келган. Шубҳасиз, инсон мижози ҳам, таъби ҳам ўша унсурларнинг аралашувидан ҳосил бўлган деб, тушунтирган. Насафийнинг инсон пайдо бўлиши ҳақида концепцияси диний доктринага асосланган: Аллоҳ томонидан яратилган биринчи инсон – Одам Ато, лойдан ясалган. Ушбу фикрнинг тасдиғи сифатида Куръон Каримни келтириш мумкин. Инсон пайдо бўлиши ҳақида диний концепцияни Насафий ҳайвонлар эволюцияси ҳақидаги ўрта аср назарияси билан боғлайди. Насафийнинг таъкидлашича, тўртта элемент аралашishi ёки бирлашishi натижасида темперамент (мизож) каби фазилатлар пайдо бўлади. Темпераментнинг ҳар хил шакл ва турлардаги кўриниши ўсимлик, ҳайвон ва инсонга айланади. Ушбу муаммоларнинг таҳлилида Азизиддин Насафий турли диний-фалсафий мактаблар вакиллариининг қарашларини таққослаб ўтган. Насафий таълимотида инсон ягона мавжудот, фақат унга аввалдан ўз-ўзини англаш ва Ҳақни англаш берилган. Азизиддин Насафий “Зубдат ул-ҳақойиқ” китобида инсонни кичик инсон инсони суғро ёки кичик олам олами суғро деб атайди. Оламни эса улуғ инсон - инсони кубро ёки улуғ олам - олами кубро деб атайди. Кичик олам билан улуғ олам бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Бирида бор нарсалар иккинчисида ҳам мавжуд. Инсон улуғ оламни идрок этиш учун, энг аввало ўзини яхши англаб етиши лозим. Акс ҳолда дунёнинг сиру-синоатларини тушуна олмайди. Бу ҳақда Насафий шундай дейди: “Эй дарвеш, улуғ оламнинг аввалу охири, зоҳиру ботини, моҳият ва шакллариини идрок этиш учун ўзининг моҳиятинг зоҳир ва ботинингни англаб етгин. Бундан бошқа йўл йўқ. Эй дарвеш, нарса-ҳодисаларнинг қанақалигини билмоқчи бўлсанг, ўзининг қанақалигингни билишинг керак.[1:5] Инсон икки қисмдан тана ва руҳдан иборат. Мутасаввифнинг фикрига кўра, инсоннинг руҳи Илоҳий оламдан, танаси эса – ердан бўлиб ҳисобланади. Инсоннинг руҳи фазовий ёки илоҳий нур заррачаси бўлганлиги учун у доимий билимга ва мукаммалликка интилиб яшайди. Бошқача қилиб айтганда, инсон доим билим ўрганиш жараёнида бўлиб, шу билан ўзининг абсолют руҳга тегишли эканлигини сезади. Азизиддин Насафий абсолют борлиқни англашни ихтиёрсиз деб тан олади. Унинг англаш жараёни изоҳ ва фарқлашга муҳтож бўлмайди, чунки ҳар биримиз биламизки, биз мавжудмиз. Насафийнинг олам бирлиги ҳақидаги тасаввуфий концепцияси ноёб бўлиб ҳисобланади. Тасаввуф таълимотининг аксарият вакиллари, шу қаторда Азизиддин Насафий ҳам, макрооламни Ҳақ нурининг ярқираши ёки тажаллийси деб ҳисоблашган, шу билан бирга борлиқнинг бирлиги ва кўп қирралигини тан олганлар. Мутасаввифнинг фикрича, бу файласуфлар нуқтаи назари билан ҳамоҳанг, борлиқ чегарасиз ва изоҳларга муҳтож эмас, чунки “борлиқ” тушунчасидек умумий, яхлит тушунча мавжуд эмас. Бу ўз навбатида, шуни англаш мумкин, борлиқ изоҳ ва тавсифга муҳтож эмас, чунки барча нарсани таққослаганда англаш мумкин. Тасаввуфда эманация назарияси олам бирлиги ғоясини асослаб беради. Маълумки, тасаввуф фалсафасида яратиш фақат Аллоҳга мансубдир, ва бу жараён инсон яратилиши билан якунланади. Инсон ушбу босқичда оламни англашдан ўзи-ўзини англашга ўтади ва ушбу жараён Ҳақни англаш билан интиҳо топади. Азизиддин



Насафийнинг “Зубдат ул-хақойиқ” асарида Аллоҳ, борлиқни яратган, ундаги бутун нарса, ҳодиса ва ашёларнинг бошланиши ва охири бўлади, деган фикр ётади. Улар фоний, яъни ўткинчи вужудлардир. Азалий, яъни ибтидоси йўқ ва абадий вужуд Аллоҳдир. “Аллоҳ оламнинг Халлоқи (яратувчиси) ва олам - Аллоҳнинг ижоди. Халлоқи олам муносиб таърифли сифатларга эгадир ва у номуносиб сифатлардан холидир, шариат аҳлининг фикрича, Холиқ оламни яратишда ҳам, хохласа, уни барбод этишда ҳам ирода-ихтиёри ўзидадир.[1:6] Аллоҳ энг аввало, руҳлар ва жисмлар оламини, сўнгра маъданлар, ўсимлик ва ҳайвонларни, кейин эса одамни яратган. “Кейин - деб давом этади мутасаввиф, - Одам атонинг болалари пайдо бўлди ва кўпайиб бормоқда, улар аста-секин камол топмоқда ва ҳар бири илк мақоми томон интилмоқда, уларнинг ўз доираси яқунлангунча ривожланишда давом этади. Бу шунини кўрсатадики, ҳар бир кишининг камолоти илк мақоми сари ҳаракат қилиш, бу йўлда жидду жаҳд кўрсатишдир.[1:9] Насафийнинг юқоридаги фикрлари шундан далолат берадики, у дунёни пайдо бўлиши, ер юзидаги жонзотлар, ўсимлик ва минераллар ҳамда инсонларни келиб чиқиши масаласи тўғрисида сўз юритганда, уларга ислом фалсафаси, Қуръон ва шариат нуқтаи назардан ёндашади. Мутасаввифнинг борлиқ фалсафаси ҳақидаги қарашлари ҳам ўзига хос ёндашувга эга. Насафий борлиқ (вужуд) ҳақида фикр юритиб, бир бутун яхлит борлиқни иккига бўлади. Биринчиси - вужуди қадим, азалий вужуд, иккинчиси - вужуди ҳодис. Вужуди қадимни ҳеч ким яратмаган, у абадий азалдан мавжуд. Унинг бошланиши ҳам, охири ҳам йўқ. Вужуди ҳодис (яъни дунё)нинг бошланиши ҳам, охири ҳам мавжуд. Вужуди ҳодис ўткинчи, фоний. Азалий ва абадий вужудни Насафий - Худо, ўткинчи фоний вужудни олам деб атади. Олам билан Худо орасидаги ўзаро алоқадорликни таҳлил қилиб, Худо олам эмас ва олам Худо эмас. Худо - оламнинг яратувчиси (ҳаллоқи) - деган хулосага келади. Худо оламни яратиш мақсадида дастлаб ягона жавоҳирни вужудга келтирди. Унинг номини нафси аввал (руҳий) деб атади. Тангри моддий (мулк) ва руҳий (малокут) оламни яратиш мақсадида ўша ягона жавоҳирга назар ташлади. Тангрининг назари тушиши билан жавоҳир қайнаб эрий бошлади ва кўпирди. Эриб, кўпириб чиққан кўпик қиёмидан турли даражадаги руҳларни яратган бўлса, қолган қуйқасидан оламни яратди. Моддий ва руҳий олам бири - иккинчиси билан боғлиқ. Бири - иккинчисига таъсир ўтказиб туради. Лекин моддий, яъни мулк оламининг ҳам, руҳий, яъни малакут оламининг ҳам ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Жумладан, руҳ ҳеч қачон бўлақларга бўлинмайди, яъни майдаланмайди. Моддий олам эса майдаланади.[5:233] Азизиддин Насафий ўзининг асарларида мистик фалсафа нуқтаи назаридан туриб, борлиқ муаммолари (оламнинг пайдо бўлиши, оламларнинг тузилиши, борлиқдаги мавжудотларнинг иерархияси) ва оламни англаш (ўз-ўзини англаш, англаш жараёнида ҳиссиётлар ва ақлнинг роли ҳақида, Оллоҳни англаш ва б.), ҳамда ижтимоий-ахлоқий муаммоларни изоҳлаб беришга ҳаракат қилган. Борлиқ фалсафасига оид масалаларни кўриб чиқиш ва таҳлил қилиш жараёнида Абдуллоҳ Ансорий, Аҳмад Ғаззолий, Шаҳобиддин Яҳё Сухравардий, Айнулқуззот Ҳамадоний ва бошқалар қарашларига таянган. Ушбу нуқтаи назардан мутасаввиф қуйидагиларни эътироф этади, аҳли хулул тарафдорлари реал борлиқдаги нарсаларни илоҳий нур намоёйиши сифатида тан оладилар. Мутафаккирнинг фикрича, ушбу таълимот тарафдорларининг қарашларида пантеизм бу Ягона Оллоҳнинг борлиғидир. Насафийнинг фикрича, борлиқ тўрт унсур аралашмасидан иборат ва уларнинг шакллари (суратлари) қўшилиб кетади. Бундай қўшилиш, аралашуш туфайли ҳосил бўлган янги



аъзони жисм деб айтадилар. Жисмларни вужудга келтирадиган ҳар бир унсурнинг ўзига хос хусусияти, ўзига хос табиати бор. Жисмнинг моҳияти ва маъноси уни вужудга келтирган унсурлар билан боғлиқ бўлади. Шундай бўлишига қарамасдан, жисмлар учун (уруж) ривожланиш ёки (нузул) пасайиш унинг энг муҳим хусусиятларидир. Жисмдаги ривожланиш турли даражаларда содир бўлади ва ҳар бир ривожланиш босқичида янгича номга эга бўлади. Жисмни руҳдан ажратиб бўлмайди, руҳ ҳеч қаердан келмайди ва ҳеч қаерга кетмайди. Руҳнинг жисмдан фарқ этадиган хусусияти - ундаги нурдир. Бу нурни ҳис-туйғулар ёрдамида кўриб бўлмайди. Бодом данагида ёки сут таркибидаги ёғни кўриб бўлмагандек, нурни ҳам ҳис-туйғу билан илғаб олиш қийин. Уни фақат қалб кўзи билан идрок этиш мумкин. Ўз навбатида, нур руҳий оламга мансуб бўлгани учун ҳам уни кўриб бўлмайди. Бутун олам ўша нур билан тўла бўлади. У оламнинг жони бўлиб, баркамол этувчи, ҳаракатга келтирувчи қудратдир. Ўз ўрнида Насафийнинг билиш фалсафасига оид қарашлари ҳам бутунги замон учун долзарб аҳамият касб этади. Насафийнинг билиш назарияси, мутафаккирнинг рационал ва эмоционал билиш жараёнларининг ўзаро муносабатлари ҳақида маълумотлари алоҳида эътиборга лойиқ. Масалан, Насафий ақлий билиш жараёнининг роли ва аҳамиятини рад этмасдан, муҳаббат ёрдамида инсон учун оламни ва Оллоҳ Ягоналигини билиш жараёнида янги имкониятлар очилишини қайд этган. Мутасаввифнинг таъкидлашича, муҳаббат келиши билан ақл ва оқилона билиш унга ўз ўрнини бўшатиб беради, бироқ ақл бўлмаса муҳаббат нури мукамал бўлмайди. Мутасаввифларнинг ушбу тамойилини замонавий эпистемология фанининг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда қайта англаш мумкин.[4:4]

Азизиддин Насафийнинг тасаввуфий-фалсафий таълимотида кўтарилган масалалардан бири тақдир, яъни инсон ўз ҳатти-ҳаракатида эркинми, ўз фаолиятида ихтиёри ўзидами ёки унинг қиладиган ишлари олдиндан белгилаб қўйилганми, деган масаладир. Маълумки, ушбу масала бўйича ислом фалсафасида мутакаллимлар билан муътазилийлар ўртасида баҳс-мунозара бўлиб ўтган. Муътазилийлар инсон ўз ҳатти-ҳаракати, қиладиган ишларида ирода эркинлигига асосланади, унинг ҳаёти, турмуш тарзи олдиндан белгилаб қўйилмаган, деган фикрга асосланади. Мутакаллимлар эса, инсоннинг ихтиёри ўзида эмас, унинг тақдири Аллоҳ томонидан азалдан белгилаб қўйилган деган ақида тарафдори эдилар. Мутасаввифнинг фикрича, руҳ жавҳардир. У ўсимлик даражасида, ҳайвон ва инсон даражасида зуҳур этади. Руҳнинг жисм ичида қанча бўлиши, қанча нафас олиши, қанча сўзлаши, қанча яшаши олдиндан белгилаб қўйилган. Инсоннинг қилган ишлари тақдирга боғлиқ бўлиб, “Ҳақнинг иродаси ва илмидан ташқари дарахт япроғи қимирламайди ёки одам бирор нарсани ният қилмайди”.[1:4] Умуман олганда, Азизиддин Насафийнинг ушбу масалага бўлган қарашлари ҳикмат аҳли, файласуфларнинг фикрларидан фарқ қилиб, шариат аҳли, мутакаллимларнинг қарашларига асосланади. Мутафаккир файласуфларнинг бу борадаги фикрини келтириб, “одамларнинг сўзлари ва фаолияти-ишлари учун олдиндан белгиланган ўлчовлар йўқ. Билим ва бойликка эга бўлиш одамнинг саъй - ҳаракатига боғлиқ: одам қанча кўп ғайрат қилса, билими ва даражаси шунча ортади. Яхшилик ёки ёмонлик қилиш, кам ейиш ёки кўп ейиш инсон ихтиёридаги иш, у қанча меҳнаҳ ва куч сарфласа шунча имкон топади...” [1:10], деб таъкидлайди. Дарҳақиқат буюк файласуфлар Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино ва бошқалар инсон ўз меҳнати,



ақлий қобилияти, зукколиги, донолиги, хулқ одоби, билими билан бахт-саодат ва камолотга эришиши мумкинлигини қайд қилганлар.

Азизиддин Насафий ўзининг ахлоқий қарашларида солиқ ва дарвешларнинг хулқ-одоби, инсоний фазилатларни эгаллаши, покланиши, маърифат ва комиликка кўтарилиши тўғрисида ҳозирги замонда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган фикрларни ўртага ташлайди. Жамиятнинг ҳаёт фаолиятида одоб-ахлоқнинг роли Азизиддин Насафий амалий фалсафасининг ўзига хос аралашмаси. Азизиддин Насафий фикрича, ҳар бир инсон жамият аъзоси сифатида, жамиятни инқирозга олиб келувчи, ахлоқсизликдан озод бўлиши, ўзининг руҳан мукамал бўлиши ва ҳақиқий одамийлик даражасига етиши учун қаттиқ меҳнат қилиши зарур. Одамлар эса тутмоғи лозим, бу ва нариги дунёда жамият ва инсоннинг озод этилиши ҳалол меҳнат қилиб топилган ризку-насибадир.

Дарҳақиқат, тасаввуф таълимотидаги ахлоқий фикрлар, комил инсондаги хулқ-одоб қоидалари асрлар мобайнида инсонларни покланишга, нафсини тийишга, меҳнатсеварликка, касб-ҳунар ва илм эгаллашга, хайрли ишларга, эзгулик ва одамийликка, меҳр-шафқатли бўлишга, муҳтож ва ғарибларга, етим-есирларга ёрдам беришга, бойликка ҳирс қўймасликка, ўзгаларни алдамасликка, адолатли, бағрикенг, хокисор ва камтар бўлишга даъват қилиб келади. Шу боис юқоридаги миллий ва умуминсоний қадриятлар ҳозир ҳам ўзининг тарбиявий кучини йўқотмасдан келмоқда. Шунинг учун ҳам комил инсон даражасига етишиш инсониятнинг мақсади, орзуси ва идеали бўлиб келган. "...комил инсон ҳақидаги ғоялар, -деб таъкидлайди Н.Комилов,- катта ижтимоий-ахлоқий аҳамиятга эга бўлади, инсонни шарафли, эзгулик ва Буюк хайр руҳида тарбиялаш, меҳру муҳаббат, вафо ва садоқатни кучайтиришга хизмат қилади. Ҳар замон, ҳар лаҳзада инсонларга уларнинг инсонлигини эслатиб, ёвуз, қабих, ишлар, ножўя қилиқлардан сақланишга кўмаклашади, иймон ва виждон биносининг пойдор бўлишини таъминлайди". [3:153]

Мутасаввифнинг кўп сонли фалсафий тамойиллари билан бир қаторда замонавий жамият учун долзарб концепция - бу унинг адолат концепцияси. Насафийнинг ўзи мутасаввифлар тарафдоридир, улар эса адолатни энг аввало бошқалардан эмас, балки ўзларидан талаб қилишни тарғиб қилишган. Ўрта аср диний, тасаввуфий-фалсафий таълимотларида тасаввуф моҳиятининг турли талқинлари учрайди, булар қаторида "тасаввуф – бу диёнат ва тақводорлик", "тасаввуф – бу ҳурмат ва виждонлилик", "тасаввуф – бу осойишталик ва зарар етказмаслик", "тасаввуф – бу фақрлик" ва бошқалар. Азизиддин Насафийнинг таъкидлашича, "тасаввуф – бу адолатни ўздан талаб қилиб, бошқалардан уни кутмасликдир". Ушбу гапга мутафаккир алоҳида маъно берган, бу эса замонавий шароитда ушбу таърифнинг янада долзарб эканлигини билдиради. Бу индивидуал руҳий, ахлоқий ва эстетик қайта тузилишга йўналтирилган шахсни шакллантиришга чақиришдир. Юқорида билдирилган фикрлардан шундай хулоса қилиш мумкинки, Азизиддин Насафийнинг

- тасаввуфий-фалсафий таълимоти бир неча асрлар давомида кишиларни соғлом эътиқод, юксак маънавият, ирфоний тафаккур, маърифат ва маданиятга чорлаган ва ҳозирги давримиз учун ҳам бу борада улкан аҳамиятга эга бўлиши шубҳасиздир.

- Насафийнинг тасаввуфий-фалсафий қарашлари миллий истиқлол ғоясининг асосини ташкил қилган комил инсонни тарбиялашдаги беқиёс аҳамиятга эга ва уни ҳар томонлама ва тизимли тарзда тадқиқ этиш республикамиз фалсафа тарихи фанининг олдида турган долзарб муаммоларидан биридир.



- Насафийнинг тасаввуфий - фалсафий таълимотидан ўрин олган инсон фалсафаси, билиш фалсафаси, ахлоқ фалсафаси, ижтимоий фалсафага оид қарашларини фалсафий нуқтаи назардан ўрганишни тақозо этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Азизиддин Насафий. Зубдат ул ҳақойиқ – (Ҳақиқатлар қаймоғи). Н. Комилов тарж. –Т. “Камалак”. 1996.
2. Каримов И. А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-жилд. -Тошкент: Ўзбекистон, 1998. -357 б.
3. Нажмиддин Комилов. Тасаввуф. Биринчи китоб. Тошкент.: “Ёзувчи”. 1996.
4. Саиджафарова П.Ш. Мистические и философские взгляды Азизуддина Насафи. Диссертация на соискание ученой степени кандидата философских наук. “Душанбе”. 2012.
5. Чориев А. Инсон фалсафаси. Тошкент. 2008.
6. Ўзбекистон фалсафаси тарихи. Тошкент. Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти. 2012 йил.
7. Kodirov N. M. TRANSFORMATION AND GLOBALIZATION OF INFORMATION MEDIA //Scientific Bulletin of Namangan State University. – 2019. – Т. 1. – №. 12. – С. 83-93.

МАҲАТМА ГАНДИ ДИНИЙ ҚАРАШЛАРИНИНГ ТАҲЛИЛИ

Пўлатов Шердор Нейматжонович

Тошкент давлат шарқшунослик университети,

Шарқ фалсафаси ва маданияти

кафедраси таянч докторанти, Пуне Натуропартҳй миллий Институти

тадқиқотчиси

sherdorpulatov@mail.ru (998288040)

Аннотация: Гандичилик бир вақтнинг ўзида фалсафий ва ахлоқий гояларни илгари суриш билан бирга, биринчи навбатда ҳинд миллий озодлик ҳаракати ривожланишининг ўзига хос тарихий шароитида вужудга келди ва ўз навбатида Ҳиндистоннинг мустақиллиги учун курашининг усуллари, шакллари ва воситаларини ҳам ўз ичига олди. Шу билан бирга, Ганди дунёқарашидаги энг муҳим ўрин, гарчи улар моҳиятига кўра маълум бир диний-фалсафий, ахлоқий ва психологик далилларга асослансада, унинг ижтимоий-сиёсий доктриналари гоявий ва назарий жиҳатдан бир-бири билан чанбарчас боғланиб кетган.

Гандининг барча мақолалари, нутқлари ва суҳбатларида Худо ҳақида, ҳақиқат, севги, куч ишлатмаслик, миллий озодлик, қўрқмаслик, миллий бошқарув, хотиржамлик ва ҳоказолар ҳақида сўз боради. Ҳиндистонда унинг таъсири ва гоялари кэнг тарқалиши ҳам шу билан боғланиб кетган. Диний-фалсафий ва ахлоқий тушунчалар Ганди дунёқарашининг бош ва ажралмас қисмини ташкил қилади. Бундан ташқари, унга бағишланган кўплаб асарларда унинг таълимоти “гандичилик фалсафаси”, деб номланди. “Гандичилик фалсафаси” чуқурроқ тушиниш учун унинг диний қрашларини муҳим аҳамият касб этади.

Калит сўзлар: Маҳатма Ганди, Худо, фалсафа, дин, ахлоқ, ҳақиқат, севги, куч ишлатмаслик, миллий озодлик, бағрикэнглик, адолат, паягамбар, сиёсат.



	гуруҳланиши	
	Хусанов А.К	140
29	Қадимги аллювиал текисликларда шакланган суғориладиган ўтлоқ тупроқларнинг генетик-мелиоратив хусусиятлари	
	Қалаңдаров Н.Н, Исмонов А. Ж, Мамажанова Ў.Х	146

05.00.00

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ
ТЕХНИЧЕСКИЕ НАУКИ
TECHNICAL SCIENCES

30	Тадқиқотлар натижаларини замонавий дастурий воситалар асосида қайта ишлаш	
	Абдурахмонов С.М., Зайнабидинов Р.М., Тиллабоев А.....	151

09.00.00

ФАЛСАФА ФАНЛАРИ
ФИЛОСОФИК ИЕ НАУКИ
PHILOSOPHICAL SCIENCES

31	Talabalarni vo'sh vaqtini tashkil etishda zamonaviy yondashuv usullari	
	Найтиов А.Х	157
32	Зарафшон воҳасида иқтисодий ва ижтимоий ҳаёт (1930-1935 йиллар)	
	Алимова М. М	163
33	Муқимий асарларида зоонимлар	
	Жўраева Р. А	169
34	Ахлоқнинг маънавий йўли ва ҳақиқатга эришиш	
	Жураев.Ш.Ф	174
35	Янгиланаётган Ўзбекистонда моддий ва маънавий ишлаб чиқариш механизмлари – ижтимоий-фалсафий муаммо сифатида	
	Шерманов И.Ч	179
36	Глобаллашув шароитида тил ва коммуникацияларнинг ижтимоий-маданий ривожланиши	
	Худайбергенов Р.Х	185
37	“Кашф ул маҳжуб”: манбалари, таржималари, нусхалари ва таъсирлари	
	Нарзиев З.И	191
38	Азизиддин насафийнинг тасаввуфий - фалсафий таълимоти	
	Нарзиев З	199
39	Маҳатма Ганди диний қарашларининг таҳлили	
	Пўлатов Ш. Н	205
40	Бугунги кунда жазоирдаги сиёсий жараёнга таъсир қилувчи асосий ички омиллар	
	Расулов О.А	212
41	Миллий байрамлар ёш авлоднинг истеъдодини рўёбга чиқарувчи эстетик	220